

- **Соҳавий хизматларда**

**“ХАТО ҚИЛИШГА ҲАҚИМИЗ ЙЎҚ”**

Дарвозадан кириб келаётган ички ишлар органлари ходимларини деразадан кўрди-ю, ҳаммаси тамом бўлганлигини тушунди. Ҳозир уйдаги гиёҳванд моддани топишади. Йўқ, бу сафар ушлаша олмайди, қочиб кетади. Лекин аввал эсон-омон бу ердан чиқиб олиши керак.

Шу хаёл билан стол устида турган пичоқни олди, атрофга аланглар экан кўзи боласига тушди. Шартта уни бир қўли билан кўтариб, бўйнига пичоқ тиради ва ташқарига чиқди. Вазиятнинг бу тарзда ўзгарганини кўрган ички ишлар органлари ходимлари бир зум тўхтаб қолдилар.

Жиноятчи бақира бошлади: “Яқинлашсаларинг, болани сўйиб ташлайман, ҳозир бу ердан чиқиб кетаман, кимдир ортимдан юргудек бўлса, болани ўлдираман, энди менга барибир”. Ходимлардан бири: “Болани қўйиб юборинг, ҳамма бу ердан чиқиб кетади, хоҳласангиз автоулов ҳам берамиз, болани қўйиб юборинг”, дея уни тинчлантиришга ҳаракат қила бошлади.

Бир қарашда ички ишлар органлари ходимлари иложсиз вазиятга тушиб қолгандек эди. Аслида Жиззах вилояти ИИБ тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди ходимлари аллақачон болани қутқариш ҳаракатини бошлаб юборгандилар. Аниқроғи, орқа девордан ошиб, дераза орқали уйга киришга улгуришганди.

Музокара чўзилаётганидан хавотирга тушган жиноятчи ўзини йўқотар даражага етди, айти шу пайт кимдир орқадан келиб, унинг пичоқ тутган қўлини маҳкам ушлади. Бурилишга чоғланганида эса чаккасига мушт тушди. Ҳушини йўқотар экан, қора кийимли, юзига ниқоб таққан ходим болани қўлидан олаётганлигини сизди.

Шу тариқа, ўз фарзандини гаровга олган Жиззах шахрида яшовчи фуқаро зарарсизлантирилди, болага ҳеч қандай зиён етмади. Лўнда қилиб айтганда, операция муваффақиятли уддаланди.

Мазкур муваффақиятнинг замирида кучли интеллектуал салоҳият, узоқ йиллик жисмоний ва руҳий тайёргарлик борлигини англаш қийин эмас. Яъни, 2-3 дақиқада мутлақо нотаниш бинога ноодатий усулда кириш, совуқ курол билан кимнингдир ҳаётига хавф туғдираётган қимсани қўлга олиш осон бўлмаган ишлар сирасига киради.

Аслини олганда ҳам, ички ишлар органларининг тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди энг мураккаб ва фавқулодда вазиятларга ечим топиш мақсадида юзага келтирилган. Мазкур тизим вакиллари куролланган жиноятчиларни топиш ва зарарсизлантириш, портловчи моддаларни аниқлаш, хавфни бартараф этиш, гаровга олинганларни қутқариш, қонунбузарлар эгаллаган биноларни ишғол қилиш каби бир қатор вазифаларни бажаришлари лозим.

Бу ишларнинг аниқ, самарали ва йўқотишларсиз уддаланиши учун қўйиладиган илк қадам соҳага энг сара йигитларни қабул қилишдан бошланади. Мазкур жараёнда номзоднинг билими, иродаси, руҳий қуввати, жисмоний тайёргарлиги, хусусан, спортнинг жанговар турларини

эгаллаганлигига эътибор қаратилади. Қўл жанги, самбо ва жанговар самбода юқори натижаларга эришган номзодларнинг имкониятлари кўпроқ бўлади.

— Хизматга қабул қилинган ходимлар қатъий жадвал асосида чиниқтирувчи спорт турлари, шунингдек, қўл жанги билан мунтазам шуғулланадилар, — дейди Жиззах вилояти ИИБ тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отряди командири, “Жасорат” медали соҳиби, капитан Жамшид Ўролов. — Соҳага оид назарий билимларни оширишга қаратилган дарслар билан бирдек қурол-яроғ ва воситаларни қўллаш ҳамда махсус транспортларни бошқариш машқлари доимий суръатда уюштирилади. Ходимларнинг ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш мақсадида маънавий ва маърифат дарслари режали асосда ўтказилади. Олинган билим ва кўникмалар эса Мудофаа ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, ДХХ бўлинмалари иштирокида ташкил этиладиган махсус тактик ўқув машғулотларида амалий жиҳатдан мустаҳкамланади. Шунингдек, отрядимиз ходимлари Фориш тоғ полигошида машқ қиладилар. Ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан биргаликда ўтказиладиган тезкор тадбирлар давомида тўпланган тажриба ва малакаларимиз ҳаётий шароитларда синовдан ўтказилади.

Табиийки, отряд ҳар қандай ҳудуд ва шароитга мос энг замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминланган. Мавжуд салоҳиятга яраша шахсий таркиб жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ишларда, хусусан, айни кунларда гиёҳвандлик ва ноқонуний балиқ овланишига қарши уюштирилаётган “Қорадори-2020” ҳамда “Тўр” тадбирларида фаол иштирок этмоқда.

Соҳа вакиллари карантин муносабати билан Жиззах шаҳрига кириш йўлларида юзага келтирилган блок-постларнинг барчасида хизмат олиб боришди. Шунингдек, ходимлар карантинга олинган хонадонлар кўриқловига жалб этилган. Отряд ихтиёридаги махсус техникалар эса вилоят марказидаги кўчаларни коронавирустга қарши дезинфекциялашда давом этмоқда.

Сардоба туманида рўй берган фавқулодда ҳолат оқибатларини бартараф қилишда ҳам отряд ходимлари яқиндан ёрдам бердилар. Чунончи, 1 май куни кутқарув тадбирлари давомида 7 кишини сувдан чиқариб олишди. Аҳолини хавф ҳудудидан эвакуация қилиш баробарида зарурат туғилганда фуқароларга биринчи ёрдам кўрсатдилар.

— Отрядда ҳар бир ходимнинг муайян вазифаси бор, худди соат механизмидек ишлашимиз керак, — дейди Жиззах вилояти ИИБ тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отряди командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, капитан Шавкат Умаров. — Чунки хато қилишга ҳақимиз йўқ, боиси одатда биз инсон ҳаётига хавф туғилганда муаммони бартараф этишга жалб қилинамиз. Шу маънода, жанговар кўникма ва малакаларимизни шакллантириш, билимларимизни ошириш учун зарурий шароитлар яратилган. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари

билан жиҳозланган ўқув хонаси, 1000 дан ошиқ бадиий адабиётлар ва махсус қўлланмаларга эга кутубхона, спорт зали, очиқ спорт майдони, тўсиқлар йўлаги шахсий таркиб ихтиёрида. Айтганча, ходимларимиз халқаро, республика ҳамда вилоят миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда фаол қатнашмоқда. Натижалар ёмон эмас, сафдошимиз Сардор Саттороқулов 2019 йилнинг кузида кўл жанги бўйича Олмаотада ўтказилган Жаҳон чемпионатида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Шу йили октябрь ойида эса Дилмурод Хўжамбердиев кўл жанги бўйича Германияда уюштирилган Жаҳон кубоги мусобақасида 2- ўринни эгаллади. Шухрат Рауфжонов ҳамда Сардор Тожибоев жорий йилнинг февраль ойида махсус отрядлар ўртасида Дубайда бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида 1- ўринни кўлга киритишди.

Умуман олганда, Жиззах вилояти ИИБ тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отрядининг 10 дан ортиқ ходимлари халқаро ва республика мусобақаларининг доимий қатнашчиларидир. Жумладан, отряд ходими Собир Казакбоев Токиода бўлиб ўтадиган XXXII Олимпия ўйинларида юнон-рум кураши йўналишида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган мусобақага ҳозирлик кўрмоқда.

Яна бир маълумот, отряд жамоаси 2019 ва жорий йилнинг ўтган даврида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар терма жамоалари ўртасида республика ва вилоят миқёсида уюштирилган ўндан ошиқ мусобақаларнинг ғолиби бўлди. Хусусан, 2019 йилнинг апрель ойида ИИБ махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармасининг тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядлари терма жамоалари иштирокидаги 10-анъанавий кўпкураш мусобақасида умумжамоа ҳисобида 1- ўринга сазовор бўлди.

Соҳа вакилларининг бу каби ютуқлари республика ИИБ ҳамда Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти томонидан муносиб рағбатлантириб борилмоқда. Худди шундай, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги самарали фаолияти учун отряднинг 5 нафар ходими “Жасорат”, 1 нафари эса “Шухрат” медали билан тақдирланган.

#### **P.S**

Жорий йилнинг ўтган даврида Жиззах вилояти ИИБ тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда 20 та махсус операцияда иштирок этди. Бу жараёнда отряд ходимлари 28 нафар жиноятчини кўлга олишган.

Чунончи, 4 нафар жиний гуруҳ аъзоси, 2 нафар қуролланган шахс, 5 нафар жазодан қочиб юрган қидирувдаги фуқаро, 12 нафар безори, шунингдек, 5 нафар жиноятчи воқеа жойида ушланган.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**  
**“Postda” мухбири.**  
**Жиззах вилояти.**